



# Халқ сўзи

### 2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 апрель, № 81 (9252)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИ, РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК ВА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ

### Президент Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманига ташриф буюриб, туман ҳокимлиги фаолияти, жойлардаги бунёдкорлик ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари билан танишди.



Бугунги кунда Мирзо Улуғбек тумани пойтахт иқтисодиёти ва илмий салоҳиятини белгилашда стратегик аҳамиятга эга. Юқори иқтисодий динамика ва ижтимоий барқарорлик туманининг замонавий қиёфасини белгилаб бермоқда. Худуд иқтисодиётининг асосий драйверлари сифатида жадал ривожланаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ва замонавий технологик ишлаб чиқариш тармоқлари юқори самарадорликни таъминламоқда.

Аҳоли зичлиги юқори бўлган ушбу туманда 342 минг нафардан зиёд фуқаролар истиқомат қилади. Худуддаги 70 та маҳалла фуқаролар йиғини орқали ижтимоий бошқарувнинг самарали тизими йўлга қўйилган. Бу аҳоли билан манзилли ишлаш ва мавжуд масалаларни тезкор хал этиш имконини беради.

Туманинг ўзига хос жиҳати унда йирик илмий-таълим муассасаларининг жамланганидир. Бу интеллектуал ресурс худудни инновацион иқтисодиётга ўтишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги биноси ёнидаги Салар канали устига қурилган кўприкни бориб кўрди, худуддаги кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди ва шу ерда кўчат экди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги биносидан яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Президентимиз 1992 — 1996 йилларда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимда фаолият юритиб, худудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ҳокимлик биносидан давлатимиз раҳбари ҳоким бўлиб ишлаган даврдаги қиёфада қайта тикланган хизмат кабинети ва хизмат автомобили кўрсатилди. Давлатимиз раҳбари ҳокимлиги пайнида қабул қилган энг муҳим қарорлар кургазмага қўйилган. Танишув чоғида Президентимиз ўша вақтдаги фаолиятдан хотиралари билан бўлишди.

Шу пайтгача Мирзо Улуғбек туманида жамоат хавфсизлиги, транспорт, ижтимоий ёрдам, коммунал, молия ва банк каби 30 та ташкилот ўз йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида, тарқоқ ҳолда ишлаётган эди. Ягона тизим йўқлиги аҳоли муҳожаати тизорлик билан ҳал қилишга катта тўсиқ бўлаётган, ортқиқ вақт ва сарсонгарчиликка сабаб бўларди.

Ҳозир ҳокимликда вазиётлар маркази ташкил этилиб, сунъий интеллект асосида тахлил қилиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “Ақли туман” платформаси яратилди. Муҳими, тумандаги барча маҳалла вакиллари билан онлайн мулоқот қилиш, вазиётдан доимо хабардор бўлиш имконияти яратилган.

Бу ерда ижтимоий ва коммунал муаммолар мониторинг қилинади, аҳоли муҳожаатлари ихроси назоратга олинди, факултета ҳолатларда тегишли хизматлар фаолияти тезкор бошқарилади ва мувофиқлаштирилади. Платформа таркибидagi “Хавфсиз туман” тизими ҳуқуқбузарликларни мониторинг қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектларининг рақамли харитаси сунъий интеллект тахлилий асосида солиқ тушулурининг прогноз қилиш ва уларнинг йиғилувчанлигини таъминлашга қаратилган. “AI Davomat”

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Парламент комиссияси ҳамраиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда барқарор ривожланишнинг 15-миллий мақсади доирасида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини ва биохилмаҳилликнинг йўқолишини тўхтатиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама марказида бўлди.

Утган йили республикада экологик вазиётни барқарорлаштириш мақсадида 220 минг гектар майдонда, асосан, чўл худудларида дарактзорлар яратилди. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида денгизнинг қуриган тубида ва Оролбўйи худудларида қадалган жами 253 минг

Ў.А.

тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган.

Объект 2025 йил сентябрь ойида ишга туширилган бўлиб, лойиҳаси Россиянинг “City Makers” ва “Люди Архитектс” бюрolari томонидан ишлаб чиқилган.

Кўчанинг умумий узунлиги 2,1 километрни ташкил этади. Бу ерда замонавий инфратузилма яратилган. Жумладан, кенг пидедалар ва велосипед йўлақлари барпо қилинган, аҳоли ва сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилган.

Худудда селфи-зонлар, очик ҳаводаги спорт майдончалари ташкил этилиб, оилавий дам олиш масканлари, болалар учун экомайдончалар ва арқонли бог фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари кўча бўйлаб юрар экан, замонавий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шу ерда истиқомат қилаётган оилалар билан савимий суҳбатлашди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллиард сўмни ташкил этади. Кўчада жами 165 та савдо объекти фаолият юритмоқда. 89 та тадбиркорлик субъекти зулуксиз ишлаш тартибига ўтган. Шунингдек, 2 минг 221 та янги иш ўрни яратилган.

Президентимизга шу ернинг ўзида Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи туризм ва гастрономик кўчаларда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Кайд этилганидек, 2025 йилда пойтахтда жами 26 та кўча туну кун фаолият юритишга ўтди. Бу йўналишга 540 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натжидада 1 минг 103 та янги савдо ва сервис объекти ташкил этилиб, 315 та тадбиркорлик субъекти 7/24 тартибда ишлашни бошлади, 26 та хорижий бренд фаолияти йўлга қўйилди.

Амалга оширилган ишлар иқтисодий кўрсаткичларга ҳам ижобий таъсир қўрнатган. Кўчаларда турли хизматлардан фойдаланувчилар сўтқаси 80 миридан 200 миригга етган, 6 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

Жорий йилда яна 18 та янги туризм кўчасини ташкил этиш, 500 та янги объектни ишга тушириш ва 7 минг нафарга янги иш ўрни яратиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Мирзо Улуғбек туманида гастрономик туризм кўчалари сонини янада кўпайтириш, мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, хизматлар сифатини ошириш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича масўлларга аниқ топшириқлар берди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманида янги бунёд этилган “Ravilion” савдо мажмуасини бориб кўрди.

Сўнгги йилларда юртимизда қурилуш материаллари саноати жадал ривожланиб, тармоқда ишлаб чиқариш билан бирга савдо ва сервис инфратузилмасини замонавий асосда ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мақзур мажмуа ана шундай ёнда-

шувнинг амалий ифодаси бўлди. Та-шаббўскор инвестор томонидан лойиҳага 25 миллион доллар сармоя йўналтирилган. Мажмуа 4,6 гектар худудда барпо этилган бўлиб, 42 минг квадрат метр қурилиш ишлари бажарилган. Худудда 1 минг ўринли автотураргоҳ ҳам ташкил этилган.

Уч қаватли мажмуада савдо дўконлари билан бирга кенг йўлақлар, очик ва қулай жамоат майдонлари, хариддорлар учун замонавий шароит яратилган. Энг муҳими, бу ерда қурилиш материаллари савдосини тарқоқ ҳамда тирбанд шаклдан чиқариб, тартибли, шаффоф ва хариддорбор тизим асосида йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2 минг нафар аҳоли иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбарига мажмуа фаолияти ва имкониятлари ҳақида ахборот берилди. Президентимиз қурилиш маҳсулотлари дўконларини кўздан кечирди.

Бу ерда 500 та дўкондаги қурилиш ва таъмирлаш учун зарур маҳсулотларни бир жойда тақлиф этиш имконияти яратилади. Барча маҳсулотлар ва уларнинг нархи ягона электрон платформа орқали шаффоф қўриниб туради. Бу эса ҳам тадбиркорлар, ҳам хариддорлар учун вақт, маблағ ва танлов имконияти нуқтаи назаридан катта қулайлик яратади.

Мажмуа йилга 3 миллионгача харидорга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Худудда хавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун савдо комплекси 500 та замонавий кузатув камераси билан қамраб олинган.

Президентимиз ушбу мажмуа шунчаки савдо нуқталари жамламаси эмас, балки қурилиш материаллари базорига янги маданият, янги сифат ва янги хизмат стандартларини шакллантирадиган маскан бўлиши кераклигини таъкидлади.

Тошкентнинг тарихий ўн иккита дарвозаси бўлганини эслашиб, бугун пойтахт атрофида ҳам шундай, турли йўналишларга ихтисослаштирилган замонавий савдо марказларини кўпайтириш зарурилиги кайд этилди.

— Халқимизнинг турмуш тарзи яхшиланиб, истаклари ортапти. Бу каби савдо мажмуаларида миллий маҳсулотларимизга кўпроқ ўрин бериш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш ва логистикани тўғри йўлга қўйиш лозим, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улуғбек туманидаги Богимайдон маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди.

Юртимизда маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш ва аҳоли учун муносиб иш мўҳитини яратиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Бу борада 2026 йил 16 февралда қабул қилинган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш” йили давлат дастури маҳаллаларни за-

монавий асосда ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Богимайдон маҳалласи бугун ана шундай янгилаштирилган натижасида мутлақо янгича қиёфа касб этган. 1987 йилда ташкил этилган ушбу маҳаллада ҳозир 41 та кўп қаватли уй, 1 минг 990 та хонадон мавжуд бўлиб, қарийб 5,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Худудда аҳоли учун замонавий инфратузилма яратилган. Хусусан, бу ерда 20 та болалар ўйингоҳи, 11 та воркaup майдончаси, 3 та мини-футбол майдони ва теннис корти ташкил этилган. 2 та мактабгача таълим ташкилот қарийб 500 нафар болани қамраб олган.

Маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун бу ерда 70 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Бу эса ишсизликни қисқартириш ва оилалар даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, маҳалладаги 1 минг 48 нафар ёшдан 949 нафарининг бандлиги таъминланган.

Худудда яшилликни асраш ва кўпайтиришга ҳам эътибор қўйилган. Шу мақсадда 2022 йилда эко-бог ташкил этилган. Қарийб 4,5 минг туп дарахтга эга ушбу бог бугун кексаю ёш учун севимли дам олиш масканига айланган.

Шунингдек, маҳаллада ижтимоий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган “Нуриийлар маскани” ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тақдими билан танишди. Бугун тураржойлар кириш қисмлари кузатув камералари ва кўриклаш пултлари билан жиҳозланган. Худудга кириб чиқувчи шахслар ва автотранспорт воситалари замонавий технологиялар асосида назорат қилиб боришмоқда.

Президентимиз аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечириб, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан мулоқот қилди. Обод ва файзли маҳалла жаҳият таянчи эканини таъкидлаб, тинчлик, ҳамжихатлик ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш доимо устувор вазифа бўлиб қолишини кайд этди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада ташкил этилган сумалак сайлида иштирок этиб, маҳалла аҳли ва болажонлар билан суҳбатлашди. Шунингдек, спорт майдончасида машғулот олиб бораётган ёшлар билан учрашиб, жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзининг барқомол шахс бўлиб вояга етишдаги аҳамиятига алоҳида тўхташди.

Ў.А.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Икром АВВАЛБЕКОВ,**  
**Абдулқозир РУСТАМОВ,**  
**Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
**Ў.А. муҳбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуат хизмати сурати.

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ТУРКИЯ БИЛАН ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мудофаа вазири Шуҳрат Холмуҳамедовнинг Туркия билан ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботини тинглади.

Учрашувда Туркия Республикаси Қуролли Қучларининг юқори мартабали вакили ҳам иштирок этди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида икки мамлакат мудофаа идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳарбий-техник ҳамкорлик изчил ривожланиб, жумладан, идоралараро алоқалар кенгайиб бораётгани, қўшма тадбирлар ташкил этилиб, ҳарбий мутахассислар тайёрланаётгани алоҳида таъкидланди.

Ҳарбий соҳадаги шерикликни янада чуқурлаштириш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

Ў.А.

## Йиғилиш ЯШИЛ МАЙДОНЛАРНИ КўПАЙТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА



Барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Парламент комиссияси ҳамраиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда барқарор ривожланишнинг 15-миллий мақсади доирасида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини ва биохилмаҳилликнинг йўқолишини тўхтатиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама марказида бўлди.

Утган йили республикада экологик вазиётни барқарорлаштириш мақсадида 220 минг гектар майдонда, асосан, чўл худудларида дарактзорлар яратилди. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида денгизнинг қуриган тубида ва Оролбўйи худудларида қадалган жами 253 минг

Ў.А.

гектар майдондаги “яшил қоплама”лар баравж ривожланмоқда.

Чўл, тоғолди худудларида эрозия ва ерларнинг деградацияга учрашининг олдини олиш мақсадида 2 900 гектардан ортқиқ майдонда ҳимоя ўрмонзорлари, 134 та шаҳар ва тумандаги 347 гектар майдонда яшил боғлар барпо этилди.

Мажлисда, шунингдек, Сурхондарё вилоятида ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланиш ва ер емирилишига қарши курашиш, биохилмаҳилликни сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоятдаги давлат ўрмон хўжалиқларида ўрмон билан қопланган майдон қарийб 2800 гектарга кенгайтирилган.

Ў.А.

## Фракциялар ҳаёти Ҳисоб палатасининг ҳисоботи кўриб чиқилди



Тадбиркорлар ва Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат аудити ва молиявий назорати тизимини тубдан ислох қилиш бўйича фаол ислохотлар олиб борилмоқда.

Соҳада амалга оширилган ишлар Ҳисоб палатаси фаолиятида рақамли ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишларини янада жадаллаштирди.

Ҳисобот йилида “Масофавий аудит” тизими 75 та идоранинг 259 та маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Давлат харидлари бўйича сунъий интеллект довуллари ёрдамида манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланликка оид қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари давлат харидлари жараёнида сунъий интеллект

Ў.А.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи атрофлича кўриб чиқилди.

тизими томонидан аниқланган молиявий хатрлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлар бу борада вазириликнинг ички назорат тизимларини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда “коррупциядан холи соҳа” тамойилининг ихро этилишини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар берди.

— Бугунги кунда Қонунчилик палатаси Ҳисоб палатаси билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Ҳар йилги Давлат бюджетининг йиллик ихроси ҳисоботлари аудит хулосаси билан тақдим этилиши депутатларга уни тўлиқ тахлил қилишга ёрдам берапти. — дейди фракция аъзоси Бахтиёр Артиқов. — Шу йилдан бошлаб энди Ҳисоб палатаси фақат йиллик эмас, балки чораклик ҳисоботларга ҳам хулоса бериши, шубҳасиз, вазирилик ва идоралар томонидан тайёрланган ҳисоботларни тезкор ва аниқ тахлилдан ўтказишга замин яратади.

Ў.А.

# ЯШИЛ МАЙДОНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022 — 2025 йилларда ўрмон хўжалиқларидаги кўчатхона ва ниҳолхоналарда 39 миллиондан зиёд кўчатлар ҳамда ниҳоллар етиштирилган. “Каттақум” массивидаги кўмликларда 4 218 гектар ер майдонига саксовул ва черкез ниҳоллари уруғи сепилган. Шу даврда 4 811 км. очиқ ва

701 км. ёпиқ коллектор тармоқлари, 141 гидротехник иншоот, 770 та кузатув қудуғи таъмирланган, 17 та гидротехник иншоот ва 60 та кузатув қудуғи қайта қурилган. Мазкур тадбирлар натижасида ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, вилот бўйича шўрланган майдонлар 93,8 минг гектардан 90,1 минг гектарга камай-тирилган, бу эрозия ва деграда-

циянинг олдини олишга сезиларли таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, мажлисда тизимли муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Жумладан, мелiorация объектлари ва қишлоқ хўжалиги ерларини шамол ҳамда сув эрозиясидан ҳимоя қилиш мақсадида иҳота даракторлари барпо этиш ишларини жадаллаштириш, генетик

ресурслардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Мажлис якунида Парламент комиссиясининг тегишли қарори, республика ҳамда Сурхондарё вилоятида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси қабул қилинди, мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан зарур вазифалар юклатилди.

## Сенат кўмитасида

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг мажлисида “Қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокамага тортилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳаси жадал ривожланиб, кўп қаватли уйлар қурилиши кескин ошди. Талафотли зилзилалар юз бериши эса аҳоли ҳаётига ҳамда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларга жиддий хавф солади.

Сенаторлар қурилиш соҳасидаги давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштириш, бино-иншоотларнинг зилзилабардошлиги ҳамда сейсмик хавфсизлигини кучайтириш зарурати юзига келаятганини таъкидлади.

Қонун билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, кўп қаватли уйларни Вазирлар Маҳкамаси



хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг рухсатномасиз қурганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Бундан ташқари, мазкур инспекциянинг сейсмик хавф-

сизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилиб, шаҳарсозлик ҳужжатлари таркибига “мастер-режа” тушунчаси ҳам киритилляпти. Сенаторларнинг фикрича, кўриб чиқилган қонун қурилиш соҳасидаги давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштирилади, қурилаётган бинолар ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлайди. Кўмита аъзолари ўз қишқирларида ушбу қонун тегишли субъектларнинг бу борадаги варақларини аниқлаштиришга ҳамда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилишни таъкидлаб ўтди. Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Тадбир

# Кун тартибида – ер ресурсларини самарали бошқариш масаласи

“Ўздаверлоийха” давлат илмий лойиҳалаш институтининг 65 йиллиги муносабати билан “Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларини барқарор бошқаришда ахборот тизимларининг ўрни” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев ҳамда кўмита раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова қатнашди.

Таъкидландики, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларини самарали ва барқарор бошқаришни таъминлаш, замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, соҳада илмий ёндашувларни янада кучайтириш ҳамда илғор тажрибалар алмашинувини ривожлантириш доимий эътибор марказидаги масалалардан. Шу боис илм-фан ва амалиёт интeграциясини мустаҳкамлаш миллий тараққиётда барқарор ҳамда технологик ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Иштирокчилар ер ресурсларини асраш, деградация жараёнларига қарши самарали курашиш ҳамда унумдор ер майдонларини кенгайтириш давлат аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини қайд этди.

Шу билан бирга, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий муассасалар, хусусан, “Ўздаверлоийха” давлат илмий лойиҳалаш институти ҳамда Тупроқшунослик ва агроикмевий тадқиқотлар институтида амалга оширилаётган илмий изланишлар, уларнинг амалий натижалари ва ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этилиши юксак баҳоланди.

Тадбир якунида соҳани янада ривожлантириш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, деградация жараёнларини камайитириш ҳамда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ – СЕНАТДА

Олий Мажлис хузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ундан қўзланган асосий мақсад — мазкур институтларнинг парламент билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, парламент фаолиятига оид билимларни ошириш ҳамда жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни биргаликда илгари суришдан иборат бўлди.

Тадбирда иштирокчиларга Олий Мажлис Сенатининг конституциявий ваколатлари, қонунчилик жараёнидаги ўрни, парламент назорати ва дипломатияси, шунингдек, давлат бошқаруви тизимида юқори палатанинг роли ҳақида батафсил маълумот берилди. Ҳозирда, ёшларнинг

ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнларига кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар Сенат девони ва кўмиталарининг фаолияти ҳамда парламент иш жараёнлари билан яқиндан танишди.

# КОРРУПЦИЯНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўртасида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат коррупцияга қарши курашиш ҳамда ўзаро манфаатли ва долзарб йўналишлар бўйича ҳамкорликда учрашувлар, муҳокамалар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишни назарда тутди.

Ҳамкорлик доирасида фуқаролик жамияти институтлари билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий таҳлиллар ўтказиш, жамоатчилик билан биргаликда эса геология ҳамда кончилик соҳасида коррупция омилларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш каби устувор йўналишлар белгиланди.

Меморандум икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, кончилик ва геоло-

гия соҳасидаги коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этишга, очилки ва шаффофликни таъминлашга, соҳада парламент назоратини илмий-услубий жиҳатдан кучайтиришга хизмат қилади.

Томонлар кончилик ва геология ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

# ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Йиғилишда маблағларни ундириш механизмини такомиллаштириш, бюджетдан сарфланган маблағларнинг ижтимоий таъсирини баҳолаш ҳамда маҳаллий бюджетлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги ургуланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Ҳисоб палатасининг ҳисоботи атрофида кўриб чиқилиб, қатор тақлифлар билдирилди.

Қайд этилишича, давлатимиз раҳбарининг сўнги йилларда қабул қилган муҳим фармонлари давлат аудити ва молиявий назорати тизимини сифат жиҳатдан янги бос-

қорлигини таъминлаш масаласини кўриб чиқиш тақлифини илгари сурди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама жараёнида давлат маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган ресурсларнинг манзилли йўналтирилиши масалаларига эътибор қаратди.

Айтилганидек, жорий йил ҳисоботи аввалги йиллардаги нисбатан шаклан ва мазмунан такомиллашган. Унда аниқланган камчиликлар, коррупцион ҳолатлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш омилларини бартараф қилиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга берилган топшириқлар аниқ акс эттирилган.

Депутатлар таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида аниқланган муаммоларни бартараф этиш долзарб вазифа эканини таъкидлаб, парламент назоратини янада қучайтириш зарурлигини ургуланди.

Хусусан, фракция аъзоси Шокиржон Аҳмедов бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришилганини эътироф этиб, айрим камчиликлар мавжудлигини таъкидлади. Ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш тизимлари самарадорлигини ошириш зарурлигини айтди.

2026 йил ва кейинги даврда давлат молиявий назоратини қучайтириш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш, инсон омиллини қисқартириш ҳамда жараёнларни рақамлаштириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, давлат харидлари ва молиявий операцияларда коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилмалар ўртасида самарали ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар илгари сурилди.

Фракция аъзоси Анвар Нурматов эса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ишловлар самарадорлиги ҳисоботда етарлича очиб берилмаганини таъкидлади. Ушбу йўналишга тегишли маблағлар ажратилаётганига қарамасдан, аҳоли билан учрашувларда амалий натижалар етарлича даражада сезилмаётгани ургуланди. Келгусида Ҳисоб палатаси ҳисоботларида ажратилган маблағлар самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар асосида ёритиш тақлиф этилди.

Йиғилишда мутасаддилар депутатлар томонидан илгари сурилган тақлиф ва тавсияларни кўриб чиқишни ҳамда парламент билан очиқ ва самарали ҳамкорлик давом эттирилишини билдирди.



Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат аудити ва молиявий назорати тизимини тубдан такомиллаштириш, уни замонавий ёндашувлар асосида қайта шакллантириш бўйича кенг қўлланми ишловлар амалга оширилмоқда.

Ҳисоб палатаси фаолияти 2025 йил давомида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ижтимоий-иқтисодий натижадорлигига ҳам қаратилганлиги, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ҳамда ноқонуний харажатларнинг олдини олиш бўйича муайян натижаларга эришилгани қайд этилди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси фаолиятида рақамлаштириш ва сўнгий интелект технологияларини кенг қўллаш орқали назорат самарадорлиги оширилгани, “Масофавий аудит” тизими давлат молиявий назоратининг муҳим воситасига айланиши алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида иқтисодиёт тармоқлари кесимида бажарилган аудит текшируви натижалари, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда экологик йўналишларда ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ишлар муҳим аҳамият касб этаётгани айтилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали парламент назорати ва давлат молиявий назоратининг уйғунлиги таъминланаётгани таъкидланди.

Фракция аъзолари Ҳисоб палатаси ҳисоботида акс этган натижалар бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда маблағларнинг самарадорлигини оширишига қаратилганлигини ургуланди.

Фракциялар йиғилишларида Ҳисоб палатасининг 2025 йилдаги фаолияти маълумланди.

«Халқ сўзи».

# ТААССУРОТЛАРГА БОЙ УЧРАШУВЛАР

Олий Мажлис Сенатида Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг мактабгача ва бошланғич таълим факультети талабалари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Ёшлар Сенатининг фаолияти, ташкилий тузилмаси ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ҳақида маълумот берилди.

## Очиқ мулоқот

Учрашувда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев парламент фаолиятининг амалий жиҳатлари, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичлари, шунингдек, таълим соҳасидаги ишловлар юзасидан сўз юритди. Талабалар ўз саволлари билан фаол иштирок этиб, долзарб масалалар бўйича батафсил жавоб олди.



Шу кун Сенатда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари билан ҳам учрашув ташкил этилди. Унда талабаларга парламент юқори палатасининг асосий вазифалари, устувор йўналишлари, сенаторларнинг қонун ижодкорлиги ва ҳудудлар билан ишлаш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Ёшлар парламентининг фаолияти, унинг навқирон авлод манфаатларини ифода этишдаги ўрни ҳамда турли ташаббуслар-

«Халқ сўзи».

## Ўрганиш

# ЭКИЛГАН КЎЧАТЛАР ҲУДУД ИҚЛИМИ ВА ТУПРОҚ ШАРОИТИГА МОСМИ?

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Аграр, сув ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан вилоятдаги тул плантациялари ва яшил ҳудудлар ҳолати атрофида ўрганилди.

Жараёнда аниқландики, Мирзаобод туманидаги “Боғистон” МФЙ ҳудудида 0,7 гектар майдонга экилган минг туп кўчатнинг 120 таси, яъни 12 фоизи қуриб қолган. Суғориш етарли даражада олиб борилмагани боис бу кўрсаткич 30 фоизга етиш хавфи мавжуд. Шу ҳудудда 5 гектар майдонда барпо этилган яна бир богда суғориш ишлари ўз вақтида бажарилмагани сабабли кўчатларнинг 20 фоизи нобуд бўлган.

Ўрганиш давомида Ойдин маҳалласида 0,8 гектар майдонга экилган 1200 туп кўчатнинг қарийб 200 таси (16 фоизи) қуригани аниқланди. Кўчатларнинг қўқармай, қовжираб қолишига, асосан, суғориш тизими яхши йўлга қўйилмагани, парвариш вақтида бажарилмагани сабаб бўлган.

Кўчат экишда дарак турларини танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Аграр, сув ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси, биология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Нигорахон Султонова. — Айни жиҳатга, яъни яшил ҳудудлар яратилишида кўчатларнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос келишига эътибор қаратмаслик ҳам экилган ниҳолларнинг амал олмалигига сабаб бўлаётди. Ушбу номақбул ёндашув ўрганиш олиб борилган ҳудудларда ҳам кузатилди. Шу ва бошқа камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, суғориш тизимини яхшилаш, агротехник тадбирларни қучайтириш ҳамда келгусида ҳудуд иқлимига мос кўчатлар танлаш юзасидан доимий комиссия томонидан мутасадди ташкилотларга аниқ тавсиялар берилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Биз ва жаҳон

БУЮК ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРҒИБОТИ

22 апрель куни Испания пойтахти Мадрид шаҳридаги "Casa Arabe" маданият марказида мамлакатимиз элчихонаси, Ўзбекистондаги Ислон цивилизациянинг маркази ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги ҳамкорлигида "Буюк теурийлар тарихи ва маданий мероси" мавзусида медиатадбир ташкил этилди.

Унда илмий-академик доиралар, маданий муассасалари, экспертлар ҳамжамияти вакиллари ҳамда Осиё, Европа Иттифоқи ва Латин Америкаси мамлакатларининг элчилари иштирок этди. Дастур доирасида Ўзбекистонда кенг нишонланган Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги ҳамда Соҳибқироннинг бой меросига бағишланган тадбирлар ҳақидаги видеоматериаллар намойиш этилди.



Медиатадбирда Ўзбекистон элчиси Фаррух Турсунов кучайиб бораётган глобал кескинлик шароитида давлатлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро ҳурмат ва конструктив ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этаётганини ургўлади. Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, барча можароларни фақат тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган очик ва прагматик ташки сийсатини изчил амалга ошираётгани таъкидланди. Шу нукта назардан, давра сўхбаты ишончли ривожлантириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва янги қўшма ташаббусларни ишлаб чиқиш учун муҳим майдон сифатида баҳоланди.

Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси, таниқли ёзувчи Хайридин Султонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон — Испания муносабатларида барқарор ижобий ўсиш кузатилаётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда ва бунда маданий-гуманитар ҳамда илмий алоқалар ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон — Испания ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг Амир Темур даврига, Шарқ ва Европа ўртасидаги илк дипломатик миссияларга бориб тақалиши алоҳида эътироф этилди. Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторида "Темур тузуқлари"ни испан тилида нашр қилиш, илмий марказлар ва музейлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, маданият ва кинематография соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалари баён этилди.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуқолиев Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинган марказ фаолияти ҳақида маълумот берди. Марказ мамлакатнинг уш минг йилдан зиёд тарихини ўрганишга ҳамда ўзбек халқининг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини тарғиб этишга йўналтирилган ноёб илмий-маърифий маскан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда 1500 дан ортиқ ноёб экспонатлар Ўзбекистонга қайтарилгани таъкидланиши баробарида, Амир Темурнинг 690 йиллигига бағишланган экспозицияга алоҳида ургу берилди: унда теурийлар даврига оид ноёб қўлёзмалар, хариталар ва озоратикалар намойиш этилди. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар, хусусан, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур саройига ташрифи ҳам тилга олинди.

Теурийлар тарихи Давлат музейи директори Хуршид Файзиёв Амир Темур Турон заминидagi иккинчи Ренессанс асосчиси, теурийлар даври эса жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим босқичларидан бири бўлганини таъкидлади. Хусусан, бу давр Марказий Осиёда илм-фан, маданият ва санъатнинг мисли кўрилмаган юксалиши билан тарихга киргани айтилди. Зеро, Амир Темур нафақат олиму шоирларни қўллаб-қувватлаган, балки бутун дунёдан атоқли мутафаккирларни жалб этиб, қудратли интеллектуал марказларни шакллантириш учун шароит ҳам яратган.

Меъморчилик, китобат санъати ва илм-фаннинг ривожига, илм ҳомийлиги аъналарини давом эттирган унинг авлодлари, жумладан, Улугбек фаолияти, шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига алоҳида эътибор қаратилди. Айнан шу даврда жаҳон цивилизацияси тарраққийетига таъсир қўрган маданий ва илмий ютуқлар шакллангани ургўланди.

Учрашувда Мадрид Автоном университети профессори Хесус Хил, "La Temurid" ассоциацияси президенти Фредерик Брессанд ва бошқа илмий ҳамда эксперт доиралар вакиллари ҳам сўзга чиқди. Иштирокчилар илмий-маданий соҳада Ўзбекистон — Испания ҳамкорлиги фаолашганини, хусусан, бундай тадбирларнинг Европанинг етакчи маданият марказларида ўтказилиши халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистоннинг тарихий меросига ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига қизиқishi ортиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

«Дунё» АА. Мадрид

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ САБОҚЛАРИ ВА ЭРТА ОГОҲЛАНТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

1966 йил 26 апрель. Тошкент замини қаттиқ силкинди. Бу сана нафақат пойтахтимиз, балки бутун Марказий Осиё тарихида сейсмология ва зилзила муҳандислигининг янги босқичини бошлаб берган бурилиш нуктаси сифатида тарихга муҳрланди. Бу оғир синов, катта йўқотишлар, изтироб ва хавотир даври эди. Аммо тарих шуни кўрсатадики, халқларнинг буюклиги айнан синов даврида намойён бўлади. Ўзбекистон халқи ҳам бу мусибатдан келажак учун зарур хулоса чиқарди.

Халқаро конференция олдида

Орадан олти йил ўтди. Бу вақтда нафақат шаҳарлар қиёфаси, балки бутун бир давлат тафаккури ўзгарди. Бугунги Янги Ўзбекистон ана шу оғир тарихий сабоқларга таяниб, инсон ҳаёти ва хавфсизлигини энг олий қадрият сифатида белгиланган ҳолда, сейсмик хавфсизликни давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди. Энди зилзила масаласи фақат факуллода ҳолат эмас. У миллий хавфсизлик, барқарор тарраққийёт, замонавий шаҳар-созлик, илмий салоҳият ва давлат бошқаруви маданияти билан боғлиқ стратегик масалалардир.

1966 йилги Тошкент зилзиласи бутун илмий жамоатчиликни янги изланишларга чорлади. Айнан шу даврда Ўзбекистонда сейсмология соҳасида мустаҳкам илмий мактаб шаклланди. Сейсмология институти ташкил этилди, геофизик тадқиқотлар тизимли йўлга қўйилди, илмий кадрлар тайёрлаш йўналиши ривожланди. Кейинчалик бу мактаб нафақат республика, балки бутун минтақадаги етакчи илмий марказлардан бирига айланди. Шу маънода, Тошкент зилзиласи фақат вайронкор куч эмас, балки илм-фан тарраққийетини тезлаштирган тарихий туртки ҳам бўлди.

Бугун эса энг муҳим жиҳат шундаки, илм кабинетларда қолиб кетмапти. Илмий натижа амалиётга, амалиёт эса инсон хавфсизлигига хизмат қилмоқда. Сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат сифатида Ўзбекистон зилзила талафотлари эҳтиомлини камайтириш, аҳоли ва инфратузилма хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни изчил амалга оширмоқда. Бу ислохотлар зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва ундан кейин қўриладиган чоратадбирларни ўз ичига олган комплекс ёндашува асосланади.



Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва ҳудудлари учун янги сейсмик хавф ва микроҳудудлаштириш хариталари ишлаб чиқилди. Бу хариталар ҳудудларнинг геологик тузилиши, грунт хусусиятлари ва силкиниш интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланмоқда. Уларнинг аҳамияти жуда катта: энди янги биноларни лойиҳалаш, йирик инфратузилма объектларини қуриш ва шаҳар ривожланишини режалаштиришда хавфни олдиндан ҳисобга олиш имконияти кенгаймоқда.

Бугун эса энг муҳим жиҳат шундаки, илм кабинетларда қолиб кетмапти. Илмий натижа амалиётга, амалиёт эса инсон хавфсизлигига хизмат қилмоқда. Сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат сифатида Ўзбекистон зилзила талафотлари эҳтиомлини камайтириш, аҳоли ва инфратузилма хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни изчил амалга оширмоқда. Бу ислохотлар зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва ундан кейин қўриладиган чоратадбирларни ўз ичига олган комплекс ёндашува асосланади.

Сўнгги йилларда сейсмик хавфсизликка давлат сийсати даражасида алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу соҳада 2 та қонун, Президентнинг 2 та фармони ва 5 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 11 та қарори қабул қилинди. Мамлакат тарихида илк бор сейсмик хавфсизликни таъминлашга қаратилган алоҳида қонунчилик ва институционал тизим шакллантирилди. Хусусан, 2021 йил 13 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги Қонун имзоланиб, соҳадаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мониторинг тизимини кенгайтириш ва зилзилабардош қурилиш талабларини кучайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Президентимизнинг 2025 йил 20 октябрдаги "Аҳоли ва ҳудудларни факуллода вазиятлардан ишончли муҳофаза

станциялар ёки усуналар билан чекланмапти. Бу тизимга рақамли хариталар, микроҳудудлаштириш, бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортлари, симуляцион моделлар, гидротехника иншоотлари мониторинг, транспорт инфратузилмаси хавфсизлиги ва тарихий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш каби йўналишлар ҳам кирган. Самарқандда Регистон ансамбли, Бухородаги Арк маҳмуаси, Хивадаги Ичан қалъа сингари ноёб объектларда сейсмик датчиклар ўрнатиш ва уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш жараёни бошланди.

Сейсмик хавфсизлик соҳасидаги яна бир стратегик ютуқ аҳолини тайёрлаш тизимининг кенгайганидир. Бугун хавфсизлик маданияти жамиятнинг турли қатламларида кичилар вокал, рақс, актёрлик маҳорати ва модель йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этмоқда.

риб бормоқда. Миллий таълим платформалари, симуляция марказлари, ўқув-услубий қўлланмалар, мобил иловалар ва амалий машғулотлар орқали юз минглаб фуқаролар зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва ундан кейин қандай тўғри ҳаракат қилишни ўрганмоқда. Хусусан, миллий таълим платформаси орқали 190 мингдан зиёд фуқаролар мустақил малака оширди, таълим муассасаларида ўтказилган амалий машғулотларга 2 миллиондан ортиқ ёшлар қамраб олинган. Бу рақамлар зилзилага қарши курашда энг кучли қурол бўлим ва тайёргарлик эканини кўрсатади.

Шу маънода, Ўзбекистонда сейсмик хавфсизликка муносабат тубдан ўзгарди. Илгари бу соҳада, асосан, офатдан кейинги ҳаракат устувор бўлган, бугун эса профилактика, прогноз, рақамли назорат, тайёргарлик ва жамоавий масъулият биринчи ўринга чиқмоқда. Эндиликда "Зилзила содир бўлса, нима қиламиз?" деган саволдан кўра, "Зилзила хавфини қандай камайтираемиз?" деган савол муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам сейсмик хавфсизлик масаласида фаол ташаббускор сифатида намойён бўлмоқда. 2025 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 29 апрелни Халқаро зилзила қурбонларини хотирилаш куни, деб эълон қилди. Бу ташаббуснинг 80 дан ортиқ давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва гуманитар ташаббуслардаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатади. Шу йил 25 — 30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Осиё сейсмологик комиссиясининг 16-Бош ассамблеяси ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. Бу Ўзбекистоннинг халқаро илмий марказ сифатида ҳам эътироф этилаётганига далилдир.

Олтин йиллик тарих бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди: халқимиз ҳар қандай синовни билим, ирода ва бирлик билан енгиб ўта олади. 1966 йилги Тошкент зилзиласи оғир фожиа бўлган эди. Аммо бугунги ютуқлар ана шу мусибатдан чиқарилган теран сабоқлар самарасидир. Бугун Янги Ўзбекистонда илм-фан ва давлат сийсати уйғунлиги асосида инсон ҳаётини муҳофаза қилишга қаратилган замонавий ва мустаҳкам тизим шаклланмоқда. Бу тизим нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар хавфсизлигининг ҳам ишончли кафолати.

Зеро, фожиалар унутилиши керак эмас, балки улар сабоқ бўлиши, янада мустаҳкам ва барқарор жамият қуриш учун хизмат қилиши керак. Тошкент зилзиласининг 60 йиллиги ана шу буюк ҳақиқатни яна бир бор эслатади: биз тарихдан кўркиб эмас, ундан куч олиб яшаймиз. Ва биз келажакни тасодиқлашга эмас, илмга, тайёргарликка ва инсон қадрини улуғлайдиган давлат сийсатига таянган ҳолда барпо этмоқдамиз.

Сейсмик хавфсизлик соҳасидаги яна бир стратегик ютуқ аҳолини тайёрлаш тизимининг кенгайганидир. Бугун хавфсизлик маданияти жамиятнинг турли қатламларида кичилар вокал, рақс, актёрлик маҳорати ва модель йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этмоқда.

Сирожиддин МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти.

«АЛАНГА — 2026»

21 апрель санасида старт олган "Аланга — 2026" халқаро болалар фестивали ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик тадбир ҳисобланади.

Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон болалар ташкилоти ҳамда "Art Models and Event Group" ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда қатнашиш учун дунёнинг 20 дан қў давлатларидан меҳмонлар, таниқли санъат арбоблари ва ёш иқтидор соҳиблари Тошкентга келди.

Фестиваль доирасида иштирокчилар вокал, рақс, актёрлик маҳорати ва модель йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этмоқда.

Айтиш жоизки, илк бор 2025 йилда ўтказилган ушбу фестивал чинакам "кашфиётлар майдони"га айланганди. Ушундан минглаб иқтидорли ўғил-қизлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, катта сазнага илк қадамларини қўйишганди. Утган йилги муваффақиятли тажриба бу йилги фестивалга қизиқишни янада ошириб юборди.

Фестиваль 26 апрель куни ниҳоясига етди.

МУНОСИБ РАҒБАТ

Пойтахтимизда ёшлар, жумладан, ногиронлиги бўлган йилгитқизлар ҳамда заиф гуруҳ вакиллари орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ташаббус — "Усиш ва ривожланиш" (UPSHIFT) дастури иккинчи мавсумининг якуний питчинги бўлиб ўтди.

Мазкур дастур икки йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Халқаро инклюзив ҳаб, UNICEF ҳамда Илм-фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш "Зиё Форум" фонди ҳамкорлигида амалга оширилиб келинмоқда.



Жорий йил февраль ойида ёшлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари ушбу дастурни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаган эди. Шу муносабат билан 2026 йилда "UPSHIFT" сезиларли даражада қулоч ёзди, хусусан, унда иштирок этиш шакли янгиланди, ғолиблар сони ва молиялаштириш ҳажми оширилди,

шунингдек, Урганч шаҳрида янги платформа ишга туширилди. Питчингдан олдинги бир ҳафта давомида иштирокчилар муаммоларни таҳлил қилиш ва тадқиқ этишдан тортиб, ечимларни ишлаб чиқиш, прототиплаш ҳамда оммавий ҳимояга тайёргарлик кўришга қўлланган бўлиб ўтди.

Якуний натижаларга кўра, 6 та жамоа ва 5 та индивидуал иштирокчи танабб олдинда ҳамда улар ўз гоаяларини амалга ошириш учун 15 миллион сўм миқдорда молиявий қўллаб-қувватлашга эга бўлди. Эндиликда ушбу дастур ғолиблар учун ташаббусларни амалга ошириш билан давом этади. Ушбу босқичда уларга лойиҳаларни бошлаш ва ривожлантириш учун зарур менторлик ёрдами ҳамда мутахассислар қўмаги тақдим қилинади.

Ёшлар ҳаёти РЕСПУБЛИКА САРДОРЛАР САЙЛОВИ

Ўзбекистон болалар ташкилоти "Болалар ҳаракати" республика сардорлари сайлови ўз якунига етди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган ушбу тадбир юртимизнинг энг билимли, шижоатли ва ватанпарвар ёшларини бир жойга жамлади.



Қайд этиш лозимки, бугунги кунда "Болалар ҳаракати" ўз сафига 80 мингдан зиёд фаол сардорларни биравлаштирган улкан кучга айланган. Бунинг баробарида республика сардорлари сайлови осон кечгани йўқ. Иштирокчилар маҳалла, туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичлардан ўтиб, 4 босқичли чиғирда ўз маҳоратларини исботлашди. Якунда республикамиздаги 8 892 та маҳалла ва 208 та туман-шаҳардан сараланган 126 нафар энг муносиб сардор ҳал қилувчи босқичда беллашди.

Сайлов жараёнида иштирокчилар учта мураккаб шарт бўйича кураш олиб боришди. Дастлабки шартда ёш етакчилар ўз йўналишлари бўйича мавжуд муаммоларга ечим бўладиган инновацион лойиҳаларни тақдим этди. Иккинчи шартда эса етакчилик қобилияти синовдан ўтказилиб, турли қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш маҳорати баҳоланди. Якуний Куиз-тест эса уларнинг тезкор фикрлаш ҳамда билим даражасини аниқлашда ёрдам берди.

Якунда 9 нафар энг кучли иштирокчи республика сардори этиб сайланди. Бироқ бу ерда мағлублар йўқ, бир сўз билан айтганда, Бўстонлиқда тўпланган 126 нафар сардорнинг ҳар бири ўз йўналишининг чинакам етакчиси эканини исботлай олди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

2026 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга қарийб 3,8 млрд. доллар пул ўтказмалари юборилган, бу 2025 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 13 фоизга кўп.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code for more information.